

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
“Ягона-бўлортомачи хизмати инжиниринг  
компанияси” раҳбари



Э.Абдувалиев

2022 й.

**Тошкент вилояти Чиноз тумани йўлларини цемент-бетон қопламаси  
билан қуриш учун лойиҳа ишларига**

**Т О П Ш И Р И Қ**


Тошкент вилояти 2022 йил

Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
Буюртмачи	Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси”
Бош лойиҳачи	Ташлов асосида
Бош пудратчи	Халқ Депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 7 июндаги VI-53-94-10-0-К/22 сонли қарорига асосан
Лойиҳалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПҚ-249-сонли қарори ва Халқ Депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 7 июндаги VI-53-94-10-0-К/22 сонли қарори
Қурилиш тури	Цемент-бетон қоплама билан қуриш
Объектнинг жойлашган ўрни, узунлиги ва ажратилган маблағи	Тошкент вилояти Чиноз тумани бўйича: 1. Пахтабод МФЙ Пахтабод кўчаси 1 838 метр – 1 093,610 млн.сўм 2. Бешкапа МФЙ Мафтункор кўчаси 1846 метр – 1 098,370 млн.сўм 3. Сутчилар МФЙ Маърифат кўчаси 1316 метр – 783,020 млн.сўм
Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичда (ЛСХ) амалга оширилади
Лойиҳалашнинг алоҳида шарт-шароитлари	Лойиҳада туман ички кўчаларини мавжуд ҳолатини яхшилаш мақсадида ишларини бажаришда халқ хўжалигида амалда тутган ўрнини ҳисобга олиш ва техник-иктисодий талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини қабул қилиш талаб қилинади
Бажарилаётган иш турлари ўлчамлари	<p>Аҳоли пунтларининг ички кўчалари тоифасига қуйидагилар қиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- турар жой ҳудудларидаги кўчалар – турар жой ҳудудларининг ичида транспорт ва пиёда алоқалари, магистраль кўчаларга чиқиш, енгил, махсус ва туманга хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши учун мўлжалланган;</li> <li>- даҳалар (квартал, массив, маҳалла) ичидаги кўчалар – транспорт воситаларининг турар жой бинолари ва қурилиш объектларига бориши. Енгил, махсус ва хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши.</li> <li>- кўчанинг ўртача эни - 4,0 метр (жойидан келиб чиқиб ўрганишлар натижасида ва Буюртмачи билан келишган ҳолда ўзгарishi мумкин)</li> </ul> <p>Аҳоли пунтлари ички кўчаларининг цементобетон қопламалари қуйидаги ўлчамларда қурилиши тавсия этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- турар жой ҳудудларидаги кўчаларда: калинлиги – 18 см;</li> <li>- даҳалар ичидаги кўчаларда: калинлиги – 16 см; нишаблиги – 15‰ (1 м га 1,5 см) қабул қилинади.</li> </ul> <p>Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, лойиҳа ҳужжатлари билан ушбу ўлчамларга аниқлик киритилиши мумкин.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ЛСХ ишлаб чиқишда уйларга кириб чиқиш инobatга олинсин, йўлнинг сатҳи кўтарилиб аҳолига ноқулайлик келтириб чиқаришни олди олиниши кўзда тутилсин. Йўлнинг сатҳи кўтарилиб кетишини олдини олиш мақсадида умумий қатлам қоплама ва асос калинлигида ўйма ишлари олиб борилсин, қопламанинг юқори қатлами аҳолининг уйларга кириш сатҳидан баланд бўлиб кетмаслиги ҳисобга олинсин.</li> </ul>
Қурилиш ишларини бажариш муддати	2022 йил
Лойиҳаланаётган объектнинг асосий кўрсаткичлари	Лойиҳавий ички йўллар йўл тўшамаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги томонидан тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, қўмуниқациялар, қурилиш

	2022 йил 10 майдаги №05/1-337 сонли муносабат белгиси орқали тасдиқланган “Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларидаги ички кўчаларнинг транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича вақтинчалик йўриқнома” асосида қабул қилинади
Лойиҳалаштириш учун бошланғич маълумотлар	Мавжуд ички кўчаларни режада жойлашуви (топографик) ва қопламаси лойиҳавий ечимлари манзилли рўйхатга асосан буюртмачи томонидан тасдиқланган нуқсонлар қайдномаси ҳамда жойнинг рақамли модули (топосъемка) асосида ишлаб чиқилсин. Асосий қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифати, олиш манбалари, транспортда ташиш шароитлари, темирбетон конструкциялари, деталлар ва маҳсулотларни тайёрловчи завод ва базалар, олиб борувчи ва юк тушириш йўллари, йўл қоришмаларини тайёрловчи корхоналар омборлари ва йўл қурилиш материаллари карьерларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лойиҳанинг смета ҳужжатларида ҳисобга олиниши керак бўлган устама харажатлар, имтиёзлар миқдори, иш ҳажми, қўшимчалар ёки бошқа харажатларга коэффицентлар амалдаги шаҳарсозлик меъёрлари асосида ўрнатилган тартибда қабул қилинсин
Лойиҳаларни ишлаб чиқишни тугатиш муддати	Шартномага асосан
Йўл ва автотранспорт хизмати бино ва иншоотлар жойлашув зарурияти	ШНҚ 2.05.02-07 ва ШНҚ 2.07.01-03* талаблари асосида
Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган энерготехникали муҳандислик ва технологик-асбоб ускуналар буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилсин
Муҳандислик изланишларни ишлаб чиқишга талаблар	Муҳандислик - харитавий (топографик) маълумотлар, муҳандислик тармоқларга уланиш учун техник шартларни олиш лойиҳачи томонидан бажарилади
Лойиҳалашда эришиш зарур бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар	Йўлнинг техник-фойдаланиш кўрсаткичларини зарурият ва меъёрий талаблардан келиб чиқиб, буюртмачи талаби асосида такомиллаштириш кўзда тутилиши лозим (ўтказиш қобилияти, ҳаракат хавфсизлиги ва бошқалар)
Капитал қўйилмаларнинг мулжалланаётган ҳажми ва молиялаштириш манбалари	Республика бюджети ҳисобидан
Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари	Сейсмиклик даражаси—ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади
Стандартларга риоя қилиш талаблари	Норматив ҳужжатлар асосида
Топшириш – қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ушбу техник топширик талабларига биноан ҳамда давлат экспертизасидан ижобий хулоса олингандан сўнг 3 нусхада тасдиқланган ҳолда, шунингдек смета ҳужжати электрон шаклда CD-дискда қабул қилинади. Ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ва тегишли ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак.

Буюртмачи вакили



  
(лавозими, имзо, Ф.И.Ш)